**Ов қилиш тақиқланган жойлар**

**Места, где охота запрещена.**

**Places where hunting is prohibited.**

Ов қилиш жойлари – ов қилиш учун фойдаланиладиган ёки фойдаланилиши мумкин бўлган, ёввойи ҳайвонларнинг яшаш муҳити, бўлиш ва урчиш жойлари, уларнинг кўчиб ўтиш йўллари бўлган ерлар, сув объектлари ва ўрмонлардан иборат бўлади.

Охотничьи угодья – это земли, водоемы и леса, места обитания, разведения диких животных, пути их миграции которые используются или могут быть использованы для охоты,.

| т/р | Ов қилиш учун тақиқланган жойлар \| Места запрещенные для охоты / Prohibited areas for hunting | Ов қилиш жойлари ҳудудидагитақиқ \| Запрещенные места на охотничьих угодьях \| Prohibiti on areas on hunting grounds |
|---|---|---|
| 1 | аҳоли пунктларининг ерлари. | қишлоқ хўжалиги, мелиоратив, ўрмон хўжалиги ишларини ва бошқа ишларни ёввойи ҳайвонларнинг нобуд бўлишига олиб келадиган усулларда амалга ошириш; |
| 2 | соғломлаштириш, рекреация ва тарихий-маданий мақсадга мўлжалланган ерлар; | ўзбошимчалик билан ёввойи қушларнинг тухумларини йиғиш, уяларини вайрон қилиш, ёввойи ҳайвонларнинг уйчаларини, инларини ва бошқа уяларини бузиш, бундан ёввойи ҳайвонлар сонини тартибга солиш билан боғлиқ ҳоллар мустасно; |
| 3 | муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, агар уларнинг режимида ов қилиш назарда тутилмаган бўлса; | қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ҳамда бошқа тоифадаги ерларда қуриган дов-дарахтларни ва уларнинг қолдиқларини илдизи билан ёқиш; |
| 4 | шаҳарлар атрофидаги яшил зоналар; | ёввойи ҳайвонларнинг яшаш муҳити, бўлиш ва урчиш жойларида, шунингдек уларнинг кўчиб ўтиш йўллари бўлган жойларда дов-дарахтларни йўқ қилиб юбориш, қиёқ, қамиш ва ёввойи ҳолда ўсувчи бошқа ўсимликларнинг чакалакзорларини ёқиш. |
| 5 | корхоналарнинг санитария-ҳимоя зоналари; | |
| 6 | сув олиш иншоотларининг ҳимоя зоналари; | |
| 7 | аэродромлар;темир йўлларнинг ҳимоя зоналари; | |
| 8 | чегара олди минтақаси; | |
| 9 | ҳосил йиғиштириб олингунига қадар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар; | |
| 10 | тўғонлар, сув айиргичлар, кўприклар ёнидаги, балиқчилик питомниклари, ҳовуз хўжаликлари ва бошқа маданий балиқчилик хўжаликлари чегараларидаги участкалар, агар ушбу | |

| | | |
|---|---|---|
| | объектларни муҳофаза қилиш режимида ов қилишга доир тақиқ назарда тутилган бўлса. | |

**Асос:**Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 8 июлдаги «Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида»ги 627-сон Қонуни